


Туркистон Тонги



www.turkistontongi.com | e-mail: oqqala@gmail.com, raximtoy@bk.ru

Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

ҚУРМАНБЕК БАКИЕВ УМРБОД ҚАМОҚ ЖАЗОСИГА ҲУКМ ҚИЛИНДИ



Қирғизистондаги 2010 йил апрел воқеаларига бағишланган, уч ярим йилга чўзилган маҳкама ниҳоясига етди. Бу иш бўйича айбли деб топилган фуқароларга оғир жазолар берилди. Бишкек горни-

зонининг ҳарбий суди июл ойининг 25 куни Қирғизистоннинг собиқ президенти Курманбек Бакиевни, у президентлик пайтида қўриқчиларнинг бошлиғи вазифасини ўтаган яқин қариндоши Жаниш Бакиевни, ўша пайтдаги бош вазир Дониёр Усеновни, сиртдан умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди. Бу уч кишига “2010 йили апрел ойида ҳукуматга норозилик билдириб майдонга чиққан фуқароларни отишга буйруқ берганлик” айби қўйилган.

Қирғиз суди - Курманбек Бакиев пайтида президент маҳкамаси етакчиси бўлган Қаныбек Жороевга, президент маслаҳатчиси бўлиб ишлаган Елмирза Сотиболдиевга, бош прокурор лавозимида бўлган Нурлан Турсункуловга ўн йил-

дан қамоқ жазоси белгилади. Улар суд залидан қамокка олиб кетилди. Бу иш бўйича 28 одамга айб қўйилган эди. Ҳукм бўйича эса уларнинг баъзиларигагина узоқ муддатли қамоқ жазоси берилди.

(Қозоқ ва рус тилларида чиқадиган “Жон ва тан соғлиғи” газетасининг шу йилги 8- сонидан олиб таржима қилинди)

ТАҲРИРИЯТДАН :
Ўқувчиларимиз Халқаро комиссия ҳисоби бўйича 470 одамнинг ҳалокатига, минглаб уйларнинг ёкилишига сабабчи бўлган 2010 йил фожиаларини уюштирганлар ва бу ишларни бажарганлар ҳам судланиб жазога тортилишларига ишонмоқдалар.

Халқимизнинг юз йилда бир марта дунёга келган асл ўғлони эди...



Жанубий Қирғизистондаги жасур ва кўркмас ҳуқуқ ҳимоячиси, Ўшдаги «Адолат ва Ҳақиқат» инсон ҳуқуқлари маркази раҳбари Равшан Гапиров оламдан ўтди.

Ҳуқуқбон 1955 йили Ўш вилоятининг Қорасув шаҳрида дунёга келган эди. У Фарғона кооператив техникумини битириб, 1976 йилдан савдо соҳасида ишлаган.

Равшан Гапиров инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятини 1988 йилдан бошлаган. У одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, амалдорларнинг манфаатларига зид боргани учун 5 марта ноҳақ қамалганини айтганди.

Охириги марта 2008 йил мартада диний адоват қўзғатиш ва «Ҳизбу Таҳрир» ғояларини тарғиб қилишда айбланиб, 1 йилга ҳукм этилган, аммо Ўш вилоят суди уни айбсиз топиб, маҳкама залидан озод қилган.

Равшан ака Қирғизистон жанубида 2010 йил июн ойида содир этилган зўравонликларни ҳужжатлаштирган, миллатидан қатъий назар жиноятчилар жазоланиши кераклигини тинмай уқтириб келган кўркмас ва жасур ИНСОН, ёвузликка, таҳқирланишга, ҳуқуқсизликка қарши тенгсиз курашчи эди. У ўзи учун яшамади, халқ учун ўзини ўтга-чўкка уриб умр кечирди. Ўзбек туркларининг юз йилда бир марта дунёга келган асл ўғлонининг хотираси халқимиз шуурида, қалбида абадий яшаяжак!

Ҳайит Гафур.

ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ БИР-БИРЛАРИГА ДЕГАНЛАРИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

ШХТ Душанбе саммити доирасида россиялик ҳамкасби билан учрашган Ўзбекистон президенти Путинга йиғилиб қолган саволларга юзма-юз ўтириб жавоб топиш ва “қандайдир ориентир”ни хис этиш учун тез-тез учрашиб туришни тавсия қилди. Айти пайтда бу учрашувдан сўнг 12 сентябрь кунги саммит йиғинида Каримов Украинага нисбатан ўз “ориентир”ини эълон қилди ва Киев раҳбариятини Москва билан бевосита музокара бошлашга чақирди.

Каримов “ярим соат”

учун ўпка қилди; Путин “дангаса”ларни айблади

...11 сентябрь куни Душанбеда бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Россия президентлари учрашувининг жамоатчилик учун очик қисми стенограммаси Кремль расмий сайтида эълон қилинди.



Президентлар учрашувини Путин қисқа, одатий дипломатик протокол тилида бошлаган бўлса, Ислоҳ Каримов гапни ўзбекча мулозаматдан бошлаб, унинг остига яширинган гина-кудурат тўкиб солди: “Владимир Владимирович, мен бугунги учрашувимиздан самимий хурсандман. Бу йилги шиддатли

воқеалар режа ва учрашувлар, ҳатто ўтган йилларда мунтазам ўтказиб келинган олдиндан режаланган учрашувлар жадвалини ҳам суриб юборди. Очик айтаман, жуда кўп саволлар тўпланиб қолаётган ҳозирги

(давоми 3-бетда)

Ушбу
сонда:

Халқимга ёлғон
гапира олмайман...

Қардошлар орасида-
ги муносабатларни
яхшилаш мумкин...

Қисас ал-Анбия...

Россиядан тобут-
да қайтаётган
ўзбекистонликлар
сони ортмоқда...

Албатта
ўқинг!

» 2-БЕТ

» 3-БЕТ

» 6-БЕТДА

» 7-БЕТДА

Халқимга ёлғон гапира олмайман...

БИР «ДЕВОНАИ ҲАҚГҶЙ»НИНГ КУНДАЛИГИДАН АЙРИМ ҚАЙДЛАР



Халқимизнинг маънавий бисотида сўз эркинлиги ҳақида айtilган ҳикматлар анчагина. Улардан турлича хулосалар чиқариш мумкин, албатта. «Бошингга қилич келса ҳам тўғриси сўзла», – дейдилар. Ўқтамлашасан. «Тўғри сўз туққанингга ёқмас» – дейдилар. Тарвунинг қўлтигиндан тушади. «Элчиға ўлим йўк» – дейдилар. Шоир ҳам халқнинг элчиси эканини эслаб, дадиллашасан. «Эгилган бошни қилич кесмас» – дейдилар. Қўнглинг совуйди. Албатта, эгилломайсан. Чунки ахволинг оғир: «Айтсам – ўлдирурлар, айтмасам – ўлам...» Шундай яралгансан – эшитсалар ҳам, эшитмасалар ҳам қалбинг буюрганини айтаверасан. Ўзингга хиёнат қилолмайсан.

Насихатгўйлар топилади: «Ховлиқма, буни Шарқ дейдилар. Чўрткесарлик миллатимизга ёт, миллий менталитетимизга тўғри келмайди!» Дарров ёдингга Ромен Ролланинг сўзи тушади: «Ҳақиқат ҳамма халқлар учун ягонадир, аммо ҳар бир халқнинг ўз ёлғонлари бор ва уларни миллий менталитет деб агайдилар». Албатта, сен «насихатгўй» биродарингга тўғриси ўзиги учун дорга тортилган, отилган, чопилган аждодларингни, қор тагида, қилич тиғида ҳам сўзидан қайтмаган боболарингни эслатишинг мумкин. «Миллий менталитетимиз зулмага қўниқини, ваҳшатнинг қошида мум тишлаб ўтиришни такозо қиладимиз!» – дея сўрашинг, «Анъаналаримизни кўр-кўрона тиклаш керак бўлса, шоҳона саройлардаги ҳарамларни, шаҳватона бачавозликларни ҳам бошлаш керакдир», – деб кесатишинг, «Дунёга бир марта келасан. Юз йил аввал ҳам дунё бор эди, лекин сен йўк эдинг. Юз йил кейин ҳам дунё қолади, аммо сен бўлмайсан. Сен ҳам инсонсан, қошида қалтираб турганинг кимсадан кадр-қимматда зарра кам эмассан» – деб даъват қилишинг ҳам мумкин. Аммо бу ҳамватанинг ўз фикрида ёлғиз эмаслигини, сўз эркинлиги масаласи анчайин чуқур муаммолигини, кимдир ўз фикрингга ишонтириш учун узоқ ва залворли сўзлаш зарурлигини ўйлаб, оғир ҳаёлларга бериласан, фикрлайсан.

«Яшашни ўргансанг бўларди!» «Таёқдек тўғрилигинг, қайсарлигиндан нима кўрдинг?!» «Озгина қайишқок бўлсанг-чи...» Шу тахлит «насихат» ларни кўп эшитаман. Жовдираб турган болаларимга, жавраб турган хотинимга қараб, ҳаёлга толаман. Баъзан жаҳлим чиқади.

Ай, биродарлар, алдаб-авраб, ёлғон-яшиқ гапириб, тилёғламалик қилиб кун қўриш яшашнинг бир йўли бўлса, тўғрлик ҳам – яшашнинг йўлидир. Мен – ҳақман, деёлмайман. Менга эргашинглар, деб эса умуман айтмадим. Аммо менга ўзлимни таниш, ўз билганимча яшаш

имкони қолдиришлар.

Балким, мен алдаб-авраб уч юз йил яшагандан кўра тўғрлик билан уч кун яшашни афзал биларман. Сиз ўз билганингизча яшанг, аммо мен ҳам ўз билганимча яшашим керак-ку?!

«Насихатгўй»лар мени ўз жиноятига шерик қилаётганга, ёвузликда ҳамкорликка чорлаётганга ўхшаб туюлади.

Бундок караганда, тўғриси ўзлим – менинг ўзлимдир. Шуни биламанки, кимдир менга тиш қайраса, шу тўғрлигим вақидан тиш қайрайди. Айни пайтда, агар кимдир мени ҳурмат қилса, ана шу тўғриси ўзлим учун ҳурмат қилади. Мабодо кимдир мендан ҳайикса, тўғриси ўзлимдан ҳайикади... Демак, тўғриси ўзлим – менинг ўзлим, бору йўғимдир. Тўғриси ўзлим бўлмаса, мендан ҳеч ким ҳайикмайди, мени биров эъзозламайди, биров ёмон ҳам кўрмайди. Гўё мен йўқман – ана шундан кўркаман.

Йўқ, мен дилимдагини гапираётганда, мана, энди мен ҳурмат қозонаман ёки душман ортираман, деган ҳаёлда гапирмайман. Юқоридаги фикрларга мен ҳозир, қоғоз устида термулиб ўтириб, сокин мулоҳазалар суриш орқали келаётиман. Дилимдагини айтишим менинг ҳаёт тарзимга айланган. Бўлди, бошқа гапирмайман деб юриб ҳам, гап очилиб қолса, лоп этиб гапириб юбораман.

Яна бир истихोलани айтишим керак: «менинг тўғриси ўзлим» деганда факат мен тўғриси биламан, деб ўйламайман. Биринчидан, тўғриси бугун жим ўтирган, қайсидир истихоло, кўрқув ёки ҳисоб-китоб туфайли гапирмаётган одамларнинг аксарияти ҳам билиши мумкин. Иккинчидан, ҳамда бу энг асосийси – «менинг тўғриси ўзлим» деганда мен ўз фикримни очик айтишимни назарда тутмоқдаман, холос.

Яъни, мен ўзим тўғри ҳисоблайдиган, ўз эътиқодим такозо этган фикрни айтаман, бир гапни айтиб, бошқа гапни қилиб, учинчи гапни ўйлаб ўтирган бўлмайман. Мен айтаётган фикр менинг учун тўғридир, бошқа биров уни мутоқ қабул қилиши шарт эмас, бошқа биров бу фикр билан баҳслашиши, уни мутоқама қилиши, унга қарши фикр билдириши мумкин ва бу табиийдир.

Мен учун тўғриси ўз одам – таёқдек тўғри, шубҳасиз фикрларни айтаётган одам эмас, балким фикрлаётган ва маълум хулосаларга келаётган ҳамда шу хулосаларни очик-ошқора айтаётган одамдир. Шунингдек, мен эгрисўзли деганда нотўғри фикрни айтаётган одамни эмас, фикрининг тўғри эмаслигини билгани холда айтаётган, балким, тўғриси билса-да, тескарисини гапириб турган, риёкор одамни тушунаман.

Донишмандлардан бери: «Агар рост сўзни айтиш имкони бўлмаса, ҳеч бўлмаганда, ёлғон айтмаслик, жим ўтириш ҳам ҳурматга лойиқдир», – деган эди. Бу ҳам мулоҳаза қилишга арзийдиган фикрдир, назаримда.

Фикр ва фактни ажратиш лозим. Фикр ҳамиша нисбийдир, мунозаралидир. Факт луғавий маъносига кўра ҳам «бўлган воқеа, ҳақиқат, бор нарс»а демакдир. Муайян шарт-шароитларда ва муайян вақтда юз берган ёки юз бераётган қайсидир воқеа, ҳодиса, жараён ҳақида хабар берадиган ахборотлар тўғри ёки нотўғри бўлиши мумкин. Бундай ахборотлар ё ҳақиқатга тўғри келади, ё келмайди. Агар журналист бўлмаган воқеани бўлди, деб ёзса ёки айтса, у тегишли тарзда жавобгар бўлади.

Факт ҳақиқатга тўғри ёки нотўғри

бўлиши мумкин.

Фикр эса прогрессив ёки реакцион, асосли ёки асоссиз, фойдали ёки зарарли, тараққийпарвар ёки жоҳилона бўлиши мумкин. Воқеа ва ҳодиса тўғрисидаги факт ахборот ҳақиқатга тўғри ёки нотўғри экани жиҳатидан текширилиши мумкин. Аммо фикрлар, мулоҳазалар, инончу эътиқодларни ифода этувчи ахборотлар – мафкуралар, ғоялар, назариялар, концепциялар, дастурлар, режалар, тахминлар, баҳолар ва ҳақозолар моҳият эътибори билан ҳаққоний ёки ёлғон бўлолмайди, уларнинг ҳақиқатга тўғри келиши-келмаслиги текширилиши мумкин эмас.

Бу фикрлар ишончли ёки баҳсли бўлиши мумкин. Аммо уларни айтгани ёки ёзгани учун журналист, ёзувчи ёхуд чоп этгани, ошқор қилгани учун оммавий ахборот воситаси жавобгар бўлиши мумкин эмас, зеро Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборотларни ва қонун билан чекланган давлат сири ҳамда бошқа сирларга тааллуқли ахборотларни истисно қилган ҳолда, ҳар кимнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги кафолатландир (29-модда), мамлакатда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши таъкидландир (12-модда).

Шундан келиб чиқиб, ғоялар, мулоҳазалар, мутоқамада айtilган баҳолар суднинг қарори билан «ҳақиқатга тўғри келмайдиганлиги» учун рад этилиши мумкин эмас. Улар баҳс, мунозара тартибда мутоқама қилиниши, уларга эътироз билдирилиши мумкин, яъни ғоялар ва фикрларга (Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» Қонуннинг 27-моддасида кўзда тутилган тартибда) улар тарқатилган оммавий ахборот воситаларида жавоб (луқма, шарҳ) берилиши лозим. Ғояларни, ҳур фикрларни бўғиш тоталитар, авторитар тузумларга хосдир. Демократик тузум эса фикрларнинг, ғояларнинг ривожланишидан қувватланади.

Агар одам ўзи ишонган фикрини айтаётган бўлса, бу фикрнинг мунозарали эканидан қатъи назар, бу одамни ҳурмат қилиш керак. Волтер шунинг учун ҳам: «Мен Сизнинг фикрингизга қўшилмасман, аммо Сизда ҳам фикр бўлиши керак ва мен Сизнинг ана шу фикрингизни айтиш ҳуқуқингиз учун жон беришга тайёрман», – деганди.

«Агар жим юрсанг, сен ҳам қатта-патта бўлиб, машинада юрардинг», – деган гапларни «дўстлар»дан эшитиб тураман. Бугун хотиним ҳам шунга ўхшаш таъна қилди: «Тилингизнинг аччиқлигидан шу куйга тушдингиз... Одамлар роҳат қилиб, ресторанларда тўй бераёпти, биллур идишларда овқат емоқда». Ана, холос!

Ҳозирги пайтда – халқнинг аксарият қисми очлик исқанжасига қолган бир замонда ошиб-тошиш уятдир. Конфуций: «Адолатсиз тузумда бой бўлиш – уят, адолатли тузумда – камбағал бўлиш уятдир», – деганди. Зеро, адолатли тузумда шахсининг ҳалол йўл билан бой бўлиши учун имкон бўлади, ҳалол йўл билан яшаш мумкин бўлганда, оч ўтириш соғсаломат одам учун уятдир. Агар ҳалол яшашнинг имкони бўлмаса, бой бўлиш учун албатта қинғир йўллардан бориш керак бўлса, ҳусусан, кимгадир ҳушомад қилиш, ёлғон сўзлаш лозим бўлса, бу тизим – адолатсиздир, бу йўл билан бойиш – шармандалиқдир.

Кўпчилиكنинг ўзи ҳам, қавм-қариндошлари ҳам зўрга кун кўраётган бўлса-да, қалбида оксуяқлар тоифасига суқилиб-сирғалиб кириш истаги барқ уриб ётади.

Албатта, мен оч қолаётганларга қуноганим туфайли ўзим ҳам оч қолишга ҳаракат қилаётганим йўқ. Оч қолаётганим ҳам йўқ. Ўзимдан қаҳрамон яшашим қулгили бўларди. Аммо мен халқни талаётганлар тўдасига қўшила олмайман.

Агар «жим ўтирсам – албатта амалдор бўлишим»га, яъни аввалгидек «халқ депутати» бўлишимга, «юқори идоралар»да ишлашимга келса, мен 1990 йилда айнан жим ўтирмаганим учун депутат бўлган эдим, мен халққа қайишганим учун халқ депутат қилиб сайлаган эди (менга маҳаллий ҳокимият тармашиб-тирмашиб қўлидан келганча қаршилиқ қилиб кўрганди, ўшанда), шунинг учун мен «жим» ўтирганимда, аниқки, умуман ҳокимият идорасига келмасдим, адабиёт газетасида ёзиб-чишиб юрган бўлардим, яна ҳам орқага қайтсак, мен «жим» ўтирганимда эди, умуман Тошкентга ҳам келиб ўтирмас эдим, Ургутда – тоғ бағридаги сўлим қишлоғимда «жим» ўтираверар эдим... Мен Тошкентга умуммиллат минбаридан элга нимадир сўз айтиш учун келганман. Жим ўтиролмайман.

Тўғри, рост сўзни тинглашга тоқати бўлмаган айрим амалдорлар мени четга суришга уринади, жилла курса, кўрмасликка олади, мен ҳам тикилиб-сўрилиб амалдорларнинг сафига талинмайман... Аммо фикрлашда давом этаман.

«Жим» ўтирсам, бу қадар тилга тушмаган бўлардим. Балким, «хайрихоҳ»лар айтаётган гапнинг тагида бошқа гап бордир: «Гапириб-сўзлаб тепага чиқиб олдингиз, чиқиб олгандан кейин, юқорида туриш учун жим юришингиз керак эди, амалдор бўлиб туришингиз бошқа йўли йўқ», – демокчидирлар. Бу фоҳишчиликка ўхшайди. Ижтимоий-иқтисодий фоҳишабозликни тушуниш ва кечириш мумкиндир, аммо сиёсий фоҳишабозликни кечириш мумкин эмас.

Файласуфлар: «Ёлғонни раво айтсанг, ўзини қош қилади», – деганлар. Гап шундаки, ёлғон қош бўлмаслик учун турли-туман либосга бурканади, шунинг учун ёлғон қуллоққа осон қуйилади ва кўпчиликка хуш ёқади. Рост сўз эса очик-ойдин бўлади, шунинг учун қаттиқ ботади. Аммо инсон ҳам, инсоният ҳам, миллату уммат ҳам рост сўзга қўниқини керак.

Рост гапириш инсоннинг бошқа инсонлар олдидаги биринчи мажбуриятидир. Ҳеч кимнинг бошқа бировни алдашга ҳаққи йўқ. Бировни алдаш, кўзни лўқ қилиб, ёлғон сўзлаш унга нисбатан ҳурматсизликдир. Умуман олганда, инсофли одамни алдаганингизни билиб қолса, қаттиқ хафа бўлади: «Мени алдадинг, бола кўрдинг, бефаҳмга йўдинг!» – дейди. Зеро сўзланган ёлғон ёлғон сўзланаётган инсонга нисбатан ҳурматсизликдир. Бутун бир халққа ёлғон сўзлашни айтмаса ҳам бўлади. Бир кишига айtilган ёлғон кечирилмас экан, бутун бир халқни тинимсиз алдаш мумкинми?! Бу – нафақат халққа нисбатан нописандлик, барчани кадр-қимматда тенг қилиб Яратганининг қошида ҳам гуноҳдир. Зеро, муқаддас китобларда айtilганидай, Аллоҳ рост гапирганларни севади.

Карим БАХРИЕВ,
Ўзбекистон собиқ депутати.

(Давоми кейинги сонда)

ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ БИР-БИРЛАРИГА ДЕГАНЛАРИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

(давоми, боши 1-бетда)

шароитда, бу саволлар эса, учрашиб, фикр алмашишга арзигулик, учрашувларимиз янада кадрлироқ бўлиб қолди.

Ростини айтсам, Сизнинг фикрингизга яна бир бор кўшиламан, бизнинг учрашувларимиз шахсан менга яхши озуқа беради. Бу учрашувлар орасидаги вақт чўзилиб кетса, мен қандайдир ўзимни йўқотиб қўя бошлайман. Қандайдир ориентирни ҳис қилиш учун сиздан жавоб сўрашни истаётган саволлар бор.

Яшириб ўтирмайман, Россия биз учун стратегик партнёрдир. Муносабатларимиз ҳақида гапирганда шунчаки расмийлик учун бу иборани ишлатадиган одамлар шуни унутмаслигини истардим. Бунинг моҳияти, авваломбор тез-тез маслаҳатлашиб туриш, қарахликка тушиб қолмаслик, ориентирни йўқотмаслик учун саволларга кўпроқ жавоб топишни аниқлайтириш, деб ўйлайман. Шу жиҳатдан қарасак, бизнинг мунтазам учрашувларимиз ҳақиқатда мунтазам бўлиши керак. Саволлар бўлса, уларни сўраш ва жавоб олиш, керак бўлса, муҳокама қилиш керак. Балки бу саволларни муҳокама қилиш ҳар доим ҳам ёқимли бўлмас, лекин мен беҳабарликдан изғиб, ахборотни чекка-чеккалардан излаш учун бу масалаларнинг очик гапирилишини истамайман.

Бугун одам, кўпол қилиб айтганда,

ёлғон-яшиқ таъсирида узок қолиб кетиши мумкин. Ҳақиқий ахборот юзма-юз гаплашганда олинади. Қачонки савол бериб, унга жавоб оларкан, одам ўзини яхшироқ тушуниб, биринчи навбатда ориентир топади.

Шунинг учун ҳам ўта бандлигингизга қарамай, менга айтишларича, бугунги учрашувга фақат ярим соат вақт ажратганингизга қарамай, бу учрашувлар, ярим соатгина бўлса ҳам, жуда кўп савол тўпланиб қолгани учун, менга икки барабар фойдалидир. ШХТ “дала”сида учрашаётганим учун сиздан миннатдорман. Бу мутлак ўз вақтида ўтаётган учрашув, ҳатто айтган бўлардим, айни муддаодир. Раҳмат.”

Ислоҳ Каримовнинг бундай кўп маъноли гинасига жавобан Путин деди:

- Сиз айтган ярим соат ҳақида биринчи марта эшитаётман. Афтидан, ҳамкасбларимиз, дангаса одамлар, ўзларининг ишлагилари келмаган. Сиз билан орамизда ҳеч қандай вақт чеклови ҳеч қачон бўлмаган, ҳозир ҳам йўқ, бундан кейин ҳам бўлмайди, деди Кремл раҳбари.

Путиннинг бундай мулозаматига қарамай, ШХТ саммитини ёритган Озодлик мухбири Фахриддин Холбековнинг айтишича, бу учрашув узок чўзилмаган.

- Учрашув, билишимча, узок чўзилмади. Уни ташкиллаштиришга алоқадор

расмийларга кўра, анча ланж ўтган. Жиддий гаплар айтилмаган. Коридордаги гапларга қараганда, Путин Каримовдан каттик ранжиган. Бу нарсани президентлар учрашувдан сўнг журналистлар олдида чиққанда ҳам ҳис қилиш мумкин эди. Орада қандайдир кескинлик бор эди, дейди Озодлик мухбири.

Каримовнинг кириш сўзи шарқона мулозаматдан бошқа нарса эмас

Путин ва Каримовнинг ШХТ саммити доирасида ўтказган учрашувда айтилганларни шарҳлаган Москвадаги Карнеги таҳлил маркази раҳбари, таниқли шарқшунос Алексей Малашенко шундай фикрда:

- Ислоҳ Абдуганиевич жуда ақлли, шарқона ва советча одам. Жуда кўп ҳолатда у бир нарсани қилиб, ўйлаб туриб, бошқа нарсани айтади. Шу боис, унинг Путин билан Душанбедаги учрашувда айтган гапларини, Россияга нисбатан кўрсатган “нафис муҳаббати” у Россия ўзини Украинада қандай тутаётганини мутлак қўлламаётгани, Путин ташаббуси билан тузилган иттифоқларга мутлак қўшилишни истамай келаётгани учун берилган шунчаки компенсация деб қабул қилиш керак, дейди россиялик сиёсатшунос Алексей

Малашенко Озодлик билан суҳбатда.

Каримовнинг биргина кириш сўзида уч марта “ориентир”ни аниқлаб олиш кераклиги ҳақидаги таъкиди, россиялик таҳлилчи фикрича, биринчи галда, Россиянинг Украина можаросидаги ролига тааллуқлидир:

- Каримовнинг ориентир ҳақидаги гаплари, менга, Илҳом Алиев, Серж Саркисян ва Путиннинг Сочидаги учрашувини эслатди. Путин Саркисянга қараб “Қани очигини айтишчи, ишлар қалай ўзи?” деганда Саркисян унга жавобан “Сиз ҳам бизга Украинада нима қилаётганингизни очик айтиб беринг!” деди. Каримов ҳам “ориентир”ни аниқлаштириб олайлик, дер экан фақат бир нарсани – Украинадаги вазиятни назарда тутаяпти. Бу гапнинг тагида ҳам, устида ҳам “Жаноблар, Украинада ҳаддиларингдан ошиб кетдинглар. Биз сизларга умуман ишонмай қўйдик. Украинада қилаётганларингиз постсовет худудида сизларга обрў келтирмади. Украинада катта ғалабага эришдик, деб ўйлашга ошиқманглар. Ғарбни йўқотиб бўлинглар, энди Шарқдан ҳамкор топиш ҳам жуда осон бўлмайди” деган нозик мужда ётибди, дейди россиялик сиёсатшунос ва шарқшунос Алексей Малашенко...

«Ozodlik» дан қисқартириб олинди.

ҚАРДОШЛАР ОРАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЯХШИЛАШ МУМКИН

Сайрам туманига қарашли Қорамурт қишлоғида 27 августда юз берган ҳодисалар кўпчилики яна бир бор хушёр торттирди. Интернетда айтилгани каби 150 одам бўлмасда, арматура, таёқлар ва пневматик тўппончалари бор ёш-яланглардан 45 – 50 тачаси, айтишларича, 15-20 км наридаги Маданий овулидан келиб, Қорамурт қишлоқ ҳокимлиги ва полиция участкасига (!) яқин майдонда турган таксичилар ва йўловчиларга турли даражадаги тан жароҳати етказишган. Шу орада турган машиналардан 16 тасини у ёки бу даржада шикастлантиришганини, баъзиларининг олд ойналари, баъзиларининг чироклари, синдирилганини интернетда ҳам кўрдик.

Тўғри, айнан шунга ўхшамасда, шунга яқин воқеалар Ўзбекистоннинг шимоли ва Қозоғистоннинг жанубида бот-бот такрорланиб туради. Жумладан, Ўзбекистонга қарашли Чирчиқ шаҳрида, Амангелди қишлоғида..., Жанубий Қозоғистоннинг Сайрам, Тўлебий туманларига қарашли Кенгқўл, Пахтазарбдор, 1 май овуллари ва Ленгер шаҳрида юз берганини турли оммавий ахборот воситалари хабар қилган...

Бу воқеалар бўлиб ўтгандан кейин аксариятида қариялар ва ҳокимият вакиллари (худди шу кунларда Қорамуртда бўлаётгандай) қатнашган мажлислар бўлиб ўтган. Кейин эса, икки қавмнинг “тўполончи”ларини йиғиб, улар билан гўё “тарбиявий дарс” ўтказишган: яъни, икки томонни бир-бири билан келишишга ундаб, насиҳатлар қилишган. Шу билан гўё улар ярашгандай бўлишган... Аммо бироз ўтгандан кейин шунга ўхшаш воқеалар у ёки бу ҳудудда такрор юз берганини ҳаммамиз кўриб, эшитиб юрибмиз. **Афсуски, қўшни мамлакатлардаги фожияли ҳоллар худди шу хил нисбатан оддий жанжаллардан келиб чиққанлигини инобатга олмаямиз.**

Айтмоқчимизки, бу хил ҳодисаларга шунчаки “тўполончи” болаларнинг инжиқлиги ёки маиший жанжал деб эмас, кўп такрорланиб тургучи воқеа сифатида қараш ва тезда олдини олиш чораларини

кўриш лозим.

Хўш, булар қандай чоралар бўлиши мумкин?

Бизнингча, **биринчи навбатда**, байналмилал тарбияни янада кучайтириш лозим: яъни, ота оналар ўз фарзандларига, мактаб ва коллежларнинг, олий ўқув юрларининг ўқитувчилари ўқув даргоҳларининг талабаларига, ҳар бир дарс олди-дан Қозоғистонда Нурсултон Назарбоев бошлиқ ҳукуматнинг байналмилал фаолияти, томиримиз бир эканлиги, халқларимиз уруш йиллари бир нонни бўлиб егани, ота боболаримиз ҳаммиша келишиб, дўстлашиб яшагани... (ва ҳақозалар) ҳақида ҳар бир дарс олди-дан 10-15 минутлик тарбиявий сабоқ ўтишлари лозим: ота-оналар ва муаллимлар Қозоғистонда (ва қўшни Ўзбекистонда) юздан ошиқ миллат вакиллари истикомат қилишини, бу мамлакатларнинг Конституциялари бўйича ҳамма миллатларнинг ҳуқуқлари тенг эканлигини тинимсиз ўқитишлари керак. Вақтли матбуотда ҳам ёшларни, ҳатто катталарни ҳам интернационал руҳда тарбиялайдиган мақолалар, шеърлар, ҳикоялар, публицистик материаллар кўп бўлиши лозим.

Иккинчидан, Жанубий Қозоғистондаги маданият марказларининг вилоятдаги ва туманлардаги раҳбарлари ва фаоллари бир-бирлари билан тез-тез йиғилишиб, бу хил ҳодисаларни номига эмас, **жиддий муҳокама қилишлари, таклиф ва истакларини маҳаллий ва марказий ҳукумат масъулларига етказишлари зарур...**

Тушунамиз, бу жумлаларни ўқиган маданият марказлари раҳбарлари ёки фаоллари: “нега бизга ўзимиз билган гапларни ўқитирибсиз? Биз ҳаммиша шу ишлар билан шуғулланаямизку”, дейишлари мумкин. Биз ҳам улардан: “агар шуғулланаётган бўлсаларингиз, натижаси қани? Нега бу хил ҳодисалар бот-бот такрорланмоқда”, деб сўрашга ҳақлимиз.

Учинчидан, муҳим чоралардан бири (худди Шўро замонидagi каби) жойлардаги кучишлатар тизимларининг фаоллигини ва масъулиятини кучайтириш, ҳар бир ҳодиса юз берган жойдаги

раҳбарлардан нега бу хил воқеанинг олдини олмагани учун ҳисоб сўрашдир.

Агар бу уч чора иш бермас экан, бизнингча, Жанубий Қозоғистонда қозок, турк, ўзбек, озарбайжон, курд ва славян миллатларининг фаол, юрагида ҳеч бир миллатга кину адовати бўлмаган вакиллари иштирокида “Қозоғистон халқлари бирлиги” жамиятини тузиш керак бўлади. Бу жамият юқоридан эмас, овул, маҳалла, туманлардаги (яна такрорлаймиз: юрагида ҳеч бир миллатга кину кудурати бўлмаган) фаол одамлар томонидан ўша жойнинг ўзида тузилади. Бироз ўтиб, турли миллат вакиллари билан иборат бу ташкилот ўз қурултойини ўтказиши ва бу тадбирга (агар олди олинмаса, биринчи навбатда энг кўп зарар кўрадиган) маҳаллий тадбиркорлар ҳомий бўлиши лозим бўлади. **Биз аминмизки, худди шундай турли миллат вакиллари тузган жамиятгина қавмлар орасидаги можароларнинг олдини олишга ва Қозоғистоннинг моддий эмас, маънавий ҳам гуллаб яшнашига хизмат қилади. Бу жамиятнинг тузилиши ибратли бўлганидай, натижаси ҳам Иншааллоҳ савобли бўлади.**

Яна эслатишга мажбурмиз: орамиздаги бошқа бир “билағон”лар бу гапимизга ҳам “Қозоғистон халқи Ассамблеяси борку. Улар ҳам шу хил ишлар билан шуғулланишмоқдаку”, дея раддия билдиришга шошилиши мумкин. Биз уларга: русларда: “Шовлага ёғ қўшилгани билан унинг мазаси ўзгармайди, халқ тузган жамият Ассамблеяга рақобатчи эмас, ёнма-ён ишлайдиган жамоат ташкилоти бўлади, бунинг нимаси ёмон!? деб жавоб берамиз.

Салбий воқеалар бўлишидан ҳеч бир миллат ва уларнинг раҳбарлари манфаатдор эмас. Шундай экан, салбий ҳодисаларни ҳам биргалашиб, эҳтиросга берилмасдан, босиқлик билан келишилган ҳолда йўқ қилишимиз, қардош миллатлар орасидаги муносабатларни яхшилашда кўмаклашувимиз лозим...

Сейтбой Байдуллаев,
Раҳимтой Бегалиев,
Айдарбек Қадирбекулы
Ботир Норбоев.

Халқ фаровонлиги ва юрт ободлиги учун куюнмоқдамиз...

(боши 29-сонда)



Агар бошқа, халқ учун куюнади-ган сиёсий ҳаракатлар, партиялар маълум иттифоқ тузиб ё биргаликда, ёки алоҳида кураш олиб боришни истаса, биз бажонидил уларга қўл узатамиз. Зеро, бугун Сиз билан биз сиёсий ишлар билан шуғулланмасак, келажагимизни, фарзандларимиз бахти ва иқболини бой бериб қўямиз. Сиёсий фаоллик муаммоларни ҳал этишнинг калитидир! – дейди сиёсий технологлар.

Ҳукумат қонунларида ва расмий ҳужжатларида айтилаётгандай, кучли давлатдан кучли жамиятга айланиш учун бу керакдир. Бу йўлни ўтиш ҳаммамиз учун фарз ва қарзидир...

Халқпарвар партиялар амалдаги ҳукумат кўраолмаган муаммоларни ёритувчи ойна – дейишади сиёсатшунослар. Бу хил халқпарвар мухолифат ҳукуматга халқ ҳаётидаги муаммоларларни аниқлаб, ҳал этишга ёндашиш борасида, қайсиси бирламчи, қайсиси иккиламчи эканини айтиб, аниқлаб беради, керак бўлса, танқид қилади. Бунга ҳокимият ва уни ушлаб турган партия ажабланмаслиги ва табиий ҳол деб қараши керак. **Дастури асосида ишлайдиган ва халқнинг ёнини олиб дадил ҳаракатларни амалга оширадиган, митинг ва бошқа сиёсий тадбирлар ўтказадиган ҳаракат ва партиялар жамиятда мавжуд бўлиши, шу халқнинг бахтидир.** Туркменистон, Ўзбекистон, Шимолий Корея, Белоруссия, Куба, Зимбабве ва бошқа диктатура ҳукмрон мамлакатлардаги халқларни биз бахтли деяолмаймиз.

Мухолиф партия, ҳаракат ва гуруҳлар жамият учун ҳаётий зарур қисм сифатида кўрилади. Масалан, АҚШда иккита асосий - Демократлар (1828 й.) ва Республикачилар (1854 й.) партиялари, ҳамда бошқа бир неча кичик таъсирга эга, Либертариан (1971 й.), Багранг (1980 й.), Конституциячилар (1992 й.) ва бошқа партиялар фаолият олиб боришади. Уларнинг ўз газеталари, сайтлари бор. Уларнинг газеталарини ўқиб, радиосини тинглаб биздаги баъзи сиёсий саводи кам одамлар ҳайрон қолишлари мумкин. Лекин бу, амалдаги демократиянинг оддий кўринишидир. **Демократик мамлакатларда ҳеч ким мухолифларга бегона ва ўғай кўз билан қарамайди.** Чунки, мухолифат шу халқ манфаати ва мамлакат келажаги учун ишлашини жамоатчилик, ҳар бир фуқаро яхши билади. Унутманг – бугунги мухолифат эртанги ҳукуматдир!

Ўзбекистонда ҳукумат томонидан халқро жамоатчиликни чалғитиш, элдошларимизни алдаш мақсадида ташкил қилинган кўғирчоқ партиялар эмас, ҳақиқий мухолиф партиялар ташкил топиши керак.

Мухолифатнинг мамлакат сиёсий саҳнасида чиқиши осон кечмайди, албатта. Аммо, дунё глобаллашаётган бир шароитда буни амалга ошириш керак. Аслида, ҳукуматнинг мухолифатга йўл бериши, унинг халқ орасидаги ва жаҳондаги обрўсини оширади. **Сиёсий фол одамларга имкониятлар яратиб берилса, ҳукуматга ҳам, халққа ҳам яхши бўлишини яна бир бор эслатмоқчимиз.**

Шундай экан, жонажон Ўзбекистонимизнинг фуқароларига ҳам мурожаат қилмоқчимиз: узокни ўйлаб иш тутайлик, мухолифат сафларига қўшилишдан ҳайикмайлик! Ҳозирги энг мураккаб ва муҳим масала ҳам ҳақиқий мухолифатдаги сиёсий партияларнинг халқ орасида илдиз отиши, мамлакат ичида эркин фаолият қилаолишидир. **Биз ҳукуматга муқобил сиёсий кучларни шакллантиришга, халқимиз бахтсаодати йўлида ишлашга масъулмиз.** Бир-икки киши ҳукуматнинг айрим ишларини номига “танқид” қилиб, ўзини мухолиф деб атагани билан аҳвол ўзгармайди. Ҳеч бўлмаса аҳолининг юздан икки фоизи сиёсий фаол бўлгандагина қандайдир ўзгаришлар қилишга умид қилса бўлади.

Биз, ўз ташкилотимиз ҳақида, очик юз билан Ўзбекистонда умум-халқ ишончи, эътибори ва ҳурматига лойиқ сиёсий ҳаракатмиз, деб айтаоламиз. Чунки “Бирдамлик” Халқ Демократик Ҳаракати ўн йил давомида олиб борган **нозўравон фуқаровий кураши билан ўзининг инсонпарвар, халқпарвар ва юртпарвар эканини кўрсатган.** Ҳаракатимиз ўнлаб, юзлаб, минглаб ватандошларимизга бевосита ёрдам қўлини чўзиб, улар ва уларнинг яқинлари меҳри, ҳурмати ва олқишига сазовор бўлди! Ўзбекистон ҳукумати дунё жамоатчилиги ва ўз халқини мамлакатда демократия қураямиз, деб, алдашга уриниб келмоқда. Мамлакат ичида яшаётган, демократия ва эркинликлар ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмаган кўплаб содда кишилар олдинлари ҳукуматнинг тарғибот-ташвиқотида ишониб, демократия ҳақиқатда шундай бўлса керак, деган фикрга боришган бўлса ажаб эмас...

Диктатурадан қутилиш баъзилар ўйлагандек жуда қийин иш ҳам эмас. Қолаверса, биз қийин, қийин деган билан бу иш осон бўлиб қолмайди. Алишер Навоий: **“Кими осон тутар осон, кими мушкул тутар мушкул”**, деб бекорга айтмаган. Қийин, мушкул, деяверсак ишимиз мушкуллашаверади. Биз қаловини топиб қорни ёндиришимиз керак. “Бирдамлик” халқ ҳаракати шу боисдан, ўз фаолиятини Ўзбекистонни демократик йўлга олиб чиқишга, мамлакатимизда эркин сайловларга йўл очиб беришга қаратган.

Шу пайтгача кўплаб мухолиф пар-

Бахтга эришишнинг йўли борми? Бор бўлса у қандай йўл?

тиялар, диний – сиёсий ҳаракатлар турли йўллар билан режимга қарши курашиб келдилар. “Бирдамлик” Дастурида ўқиймиз: “Мухолифат – бугунги кунда Ўзбекистон халқининг, давлатчилигининг стратегик ресурсидир ва умидидир! Унда миллат тақдири ва шаъни учун тинимсиз ва беомон курашиб келаётган шахслар саф тортгандир. Айнан мухолифат режимнинг холсизланишида, унинг ҳақиқий қиёфаси очилишида катта ишлар қилди ва қилмоқда”.

Диний-исломий гуруҳлардан баъзилари қурол кучи билан режимни йўқотиш учун самарасиз ҳаракат қилишди. Уларнинг кураш услублари режимга ҳеч қандай таъсир қилмади, қайтанга диктатуранинг кучайишига туртки бўлди. Сабаби дунё бўйлаб диний экстремизмга қарши кураш кетаётган бир паллада айрим диндорларнинг қурол ўқталиб туриши халқро жамоатчилик кўз ўнгида режимни хокисор ва ёрдамга мухтож қилиб кўрсатди. Шу боис режим террорчилик ва диний экстремизмга қарши кураш баҳонасида, халқро ташкилотлардан салмоқли молиявий ёрдам олишга эришди.

Айрим мухолифат лидерларининг узокни кўраолмай, шошқалоклик билан қилган хуфёна ишлари ҳам ўзбек мухолифатида қимматга тушди. Мухолифат гуруҳлари шу сабаб кучсизландилар ва оғир аҳволга тушиб қолдилар. Бу хил фикрларни илгари сураб эканмиз, ота боболаримиз дини бўлган Исломни ёмонламоқчи эмасмиз. Бизнинг сафарларимизда ҳам беш вақт номозни қанда қилмайдиган биродарларимиз бор. Биз Исломга заррача қарши эмасмиз, ҳар бир киши қайси динга ишонишини ўзи хал қилади. Диний ва ирқий эркинликларга юз фоиз амал қилиш керак. Биз фақат Исломни рўқач қилиб, қурол кучи билан давлатни оламиз, деб юрганларга ва биронта ижтимоий ва маънавий асос бўлмагани холда “Ислом давлати қурамиз”, деб бекорга чиранаётганларга қаршимиз холос...

Шу жараёнда, “Бирдамлик” нозўравон фуқаровий бўйсинмаслик кураш йўлининг амалиётчиси ва тарғиботчиси айланди. Бизнинг айни пайтдаги асосий мақсадимиз халқимизнинг мухолифатга бўлган ишончини қайта уйғотиш, жамоатчилик қўлловини қозониш йўлларини излаб топиш ва қолаверса, халқпарвар диндорларни ва ҳукумат мулозимларини ҳам ўз тарафимизга тортишга эришишдир...

Нозўравон кураш услуби юртимиз аҳли, ўзбек миллати, шаҳар ва қишлоқ жамоатчилиги, ҳамда ҳукумат фитрати, фель-атворида жуда мос келади. Сабаби юртдошларимиз ҳамма нарсдан кўра тинчликни севади. Бу, халқимиз бошидан

кечирган, турли ходисалар тарихи билан боғлиқ бўлиши эҳтимол... **Бизнинг ҳаракатимиз ҳам, халқимиз каби, қон тўкишларсиз, тинч йўллар билан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар қилиш тарафдори.** Инқилобий, қуролли таҳдидлардан кўра нозўравон йўл билан ҳукуматга юзма-юз келиш у қадар хавфли эмас. Буларнинг ҳаммасини чуқур тушунаётган бирдамликчилар ўз дастурларига нозўравон кураш усулини асосий модда сифатида қўшди ва ташкил топган илк кундан бошлаб ҳозиргача, шу йўл билан курашиш маъқуллигини халқимизга тушунтиришга уриниб келмоқда.

“Бирдамлик” ҳаракати ҳар бир ватандошимизнинг бахтли ва фаровон яшаш ҳуқуқи, барча инсоний, фуқаровий ҳуқуқлари, шу жумладан, виждон эркинлиги ҳукумат томонидан ҳурмат қилинишини талаб этади. Сохта жиноий ишлар туфайли сиёсий ва диний айблар қўйилиб ноҳақ қамалганларни, зудлик билан озод қилиш Ҳаракатимизнинг дастурий вазифаларидандир.

Ўзбеклар ҳар томонлама оғир ва бўғилган муҳитда яшайдилар. Бунинг сабаблари кўп. Асосий сабаби – Ўзбекистонда бошқарувнинг, юртимиз бойликларини бир ёки бир нечта шахс қўлида ноқонуний тарзда жамланганлигидир. Сохта ёки “тўти” сиёсатшунослардан баъзилари ҳозирги тузимни патернализм, яъни отага бўйсунуш, ҳатто айримлар авторитаризм, давлат ўсишининг “зарурий” босқичи, деб тарифлайдилар.

Амалда президент Нурсултон Назарбоев бошчилигида, гуллаб-яшнаётган, ривожланиш чўққилирига кўтарилган, қўшнимиз Қозоғистон давлат сиёсатини ижобий маънода, авторитар десак янглишмаймиз. Чунки, Н. Назарбоев сиёсий бошқарувни ўз қўлида тутган ҳолда, иқтисодий эркинликларни, бозор иқтисодини, мулкдорликни, тадбиркорликни, техника ва илм эгаллашни жорий этди. Мухолифатни ва унинг лидерларини юртдан ёппасига хайдамади, улардан кўпшарига катта амаллар бериб, бошқариш ишларида фойдаланди. Порахўрликни қисман бўлса-да, жиловлади. Фуқароларнинг фаровон, эркин яшашларига эришди.

Юртимизни эса, сиёсатшунослик, деспотизмга таянган диктатура, тоталитар режим, деб таърифлади. Чунки, у Н. Назарбоевдан фаркли ўларок, бутун соҳалар бошқарувини ўз қўлига олди. Ўзбекистонда ҳақиқий бозор иқтисоди, мулкдорликка ўтиш ислоҳатлари амалга оширишга қодир забардаст ҳукумат бошлиғи, иқтидорли иқтисодчи ва ташкилотчи Шукрулло Мирсаидовни, ишдан олди ва таъкиб этди. Натижа эса бутун дунёга маълумки, Ўзбекистон - аянчли аҳволда, Қозоғистон - гулламоқда.

Жорий президент ўз диктатурасини кучишлатар тизимларига таяниб ушлаб турибди ва улардан ноқонуний фойдаланиб келмоқда. Ҳар қандай янги ва мусаффо фикр, ҳамда жамиятдаги фикрловчи инсонлар фаолияти, шу тизимлар томонидан қирқилиб, ўз инсоний ҳуқуқларини

талаб этиб чиққан кишилар овози ўчирилади. Сўз эркинлиги бўғилиб, диктатурага хизмат қилаётган оммавий ахборот воситалари кўмагида одамларнинг миялари “ювилиб”, манкуртларга (зомбиларга) айлан-тирилади. Аҳолининг деярли 90% ўзи билган ёки билмаган ҳолда бир тўда тўралар манфаати учун кун-тун меҳнат қилмоқда.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз “Бирдамлик”нинг таянчи – миллатимиз, бутун Ўзбекистон аҳли деб биламиз.

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган давлат идоралари, ҳокимликлар, милиция ва хавфсизлик хизмати ходимлари, харбийлар ва бошқа тоифадаги амалдорлар ҳокимият танасининг қисимларини ташкил этадилар...

“Бирдамлик” ҳаракатининг Ўзбекистон ичида, МДХ давлатларидан Россия, Украина, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистонда, Ғарбий Европа давлатларидан Германия, Норвегия, Швеция, Францияда, АҚШ, Канада ҳамда Жанубий Кореяда ўз бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳаракатнинг АҚШ, Швеция, Норвегия ва Россиядаги бўлимлар расмий рўйхатдан ўтган. Айни пайтда Қозоғистон ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида давлат рўйхатидан ўтиш арафасида турибди.

“Бирдамликнинг” дастлабки Қурултойи 2009 йилнинг ноябрь ойида Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида, кўп қийинчиликлар, таъқиб ва тайиқлар остида бўлиб ўтганди. Аммо шу пайтгача, бир неча бор қилинган расмий музоаатларга қарамай, Ҳаракат Ўзбекистонда рўйхатга олинмади. 2014 йилнинг 26-27 апрелида АҚШнинг Сент Луис шаҳрида 40 дан ошдиқ фаоллар, ўнга яқин журналистлар қатнашган Қурултой ўтказдиқ. Айрим камчиликларга қарамасдан, Қурултойимиз яхши ўтди: унда муҳолифатнинг ветеранлари, фан докторлари ва доцентлар, собиқ вазирлар ва ўнлаб оддий муҳолифатчилар қатнашишди. Қурултойни бошлан-оёқ онлайн интернет телевидениеси орқали ёйинладик. Шундан кейин бизда янги умидлар, режалар пайдо бўлди. Ўзбекистонда ҳаракатни рўйхатдан ўтказиш ва унумли сиёсий фаолият олиб бориш имкониятига эришиш ҳақида каттиқроқ ўйлай бошладик.

Ўз кузатишларингиз ва юқорида айтилган гапларнинг ҳам таъсирида, сизнинг кўнглингизда бизга қайрихоҳлик режими нисбатан норозилик уйғонган бўлса, демек Сиз сиёсий фаолият учун биринчи кичик қадамни ташлаб бўлдингиз. Чунки, инсоннинг ҳақиқатни тан олиши, зулмга, адолатсизликка, порахўрликка қарши курашни бошлаш учун турткидир. Сиз сиёсат майдонида ёлғиз эмассиз. Сизга ўхшаган минглаб, ўн, юз минглаб, миллионлаб инсонлар бор. Кураш майдонида ёлғиз қолмасликни ва атрофингизда ўзингиз каби инсонларнинг кўпайишини истасангиз, бошқалар билан биргаликда, ҳамфикр ва ҳамқадам бўлиб “Бирдамлик” ҳаракатининг фаолиятига қўшилиш, биз билан диктаторни йиқитиш ва халқ ҳокимиятини ўрнатишда бирга бўлинг!

Диктатурага барҳам бериш учун нима қилиш керак?

Ўзбекистондаги диктатурачилар

тўдаси на дунёдаги кучли давлатлардан, на сиёсий ва на диний ташкилотлардан кўрқадик. Диктатор ва унинг тўдасини бирдан-бир кўрқувчи Ўзбекистондаги аҳоли, ўзбек миллидир. Чунки Ватандошларимизнинг оз бўлсада сиёсий фаолигини ошириш ортидан юзминглаб кишиларнинг нозўравонлик йўли билан тинч намоийшларга чиқиши ва президент истеъфосини талаб қилишигина уларни чўчитади. Зеро норозилик намоийшлари йўли билангина ноинсоний тузумга барҳам бериш мумкин. Ундан кейин юртдошларимиз орзу қилган, истаган халқпарвар ҳукуматни давлат тепасига қелишига имкон яратилади.

“Бирдамлик” ҳаракатининг асосий мақсади кучли ташвиқот ва тарғибот ишларини йўлга қўйиб, аъзолари сонини юзминглаб кишилардан оширишдир.

Сиёсий акциялар пайтида ҳеч нарсага чалғимаслик, асосий зарбани ҳукумат амалдорлари, ҳафсизлик кучлари ёки ҳуқуқ-тартибот ходимларига эмас, балким фақат бир нуктага қаратишдир. Бирор нуктада адашиш, саросимага тушиш, эътиборни бошқа нарсага қаратиш кучларнинг бўлинишига, парокандаликка олиб қелишини ҳаммаша ёдда сақламоқ лозим.

Чунки, ҳар бир Инсон ҳаёти биз учун азиздир. Озгина хатолик инсонлар умрига зомин бўлиши мумкин. Шу учун, инсон ҳаётини хавф остига қўймасдан, имкон қадар бир томчи қон ҳам тўқилмасдан, ОҚ рангли, пахта инқилобини амалга ошириш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Бу эзгу мақсадларга эришиш учун Сиз билан биз бугундан бошлаб замин ҳозирлашимиз, ёрқин келажак сари шахдам қадамлар ташлаб, сиёсий фаолиятимизни давом эттиришимиз керак. Сиёсий фаолият учун эса кўплаб адабиётлар қатори, биз Сизга тавсия этаётган Қўлланмаларни диққат билан ўқишингиз, Ҳаракатимиз Дастури ва Низоми билан яқиндан танишиб чиқишингиз, ёзилганларга амал қилишингиз керак.

Мақсадимиз мулкдорликка асосланган давлат барпо этиш!

“Бирдамлик” Халқ Демократик Ҳаракати ўн йил давомида элдошларимизга яратилган демократик давлат ва жамиятнинг суяк-скелет тизими оммавий мулкдорлик эканини тушинтириб ва тарғиб этиб келмоқда...

Биз, халқимизнинг ўлкамиз ривожига қаратилган улкан лойиҳамизни танлаши, қўллаши асосида мавжуд порахўрлик, адолатсизлик амалиётига таянган диктаторлик режими ўрнига оммавий мулкдорликка асосланган давлат курашимиз. Чунки фақат мулкдоргина мустақил, ўз ҳаёт йўлини ўзи белгилловчи, мустахкам оила қурувчи етук шахс бўлишини, тараққий этган АҚШ, Канада, Германия, Франция, Англия, Италия, Испания, Япония, Швеция, Швецария, Жанубий Корея ва Туркия каби мамлакатларда кўриб турибмиз.

Албатта, бу ҳамма бирданга бой бўлиб қолади, деган гап эмас. Лекин ҳар бир оддий ишчи, деҳқон, фермер, хизматчи ўз маблағига, уй-жойига, машинасига эга бўлишини таъминлайдиган, мулкдорликка асосланган давлат курашимиз лозимлиги икки қарра иккидай аниқ.

Фуқароларнинг мулкдорлигига асосланган давлати – бу очик жамият, сўз ва матбуот эркинлиги, инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинишига асосланган, адолатли, ҳақиқий, демократик давлат бўлиб, мамлакатимизда эркин ва либерал иқтисодни йўлга қўйиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Келажакда Ўзбекистон фақат юқори малакали мутахассисларни катта маошлар эвазига четга чиқаради. Биз режалаштирган фуқароларнинг оммавий мулкдорлигига таянган давлат, уларни ҳимоя этади ва ўсишини ҳар бир соҳанинг етук мутахассиси, у ёки бу касб соҳибни бўлиб етишишига имкониятлар яратади.

Ўзбек миллатининг, умуман республикамиз аҳлининг ижтимоий, иқтисодий муҳофазаси, уй-жой таъминоти, билим олиш, техникавий, тадбиркорлик, тиббиёт ва бошқарув мутахассисликларини эгаллаш ва ўз малакаларини доимий ошириб бориш имкониятини мулкдорлик заминига қурилган давлатдаги шароит таъминлайди.

Ўзбекистонни сиёсий жиҳатдан тез ва талофатларсиз ислоҳи ва ривожини таъминлашда, демократияни амалда жорий бўлишида, шу хил шакллантиришларда мулкдорликка таянадиган давлатнинг ўрни ва рўли халқ қилувчи аҳамиятга эга. Худди шу жамиятимиздаги амалий реаллик ўлкамиз фуқароларининг озодлиги, фаровонлиги учун хизмат этади.

“Бирдамлик” Халқ Демократик Ҳаракати Дастурида ёзилгандек: “Халқ дарди “Бирдамлик” дарди, шу боис бизга ҳамдарду ҳамкор бўлинг! Бизнинг сафларга қўшилиш, нозўравон, фуқаровий бўйсинмаслик кураши билан диктаторни ағдариш ва демократияни барпо этиш каби улуг тарихий амалиётга ўз хиссангизни қўшинг! Озод, фаровон инсон, оила ва халқ бўлишимиз, ҳар биримизнинг ўз қўлимизда!”

Сиёсий ҳаракатдан - муҳолиф партияга!

“Бирдамлик” Халқ Демократик Ҳаракатига аъзо бўлганлар, ўз истақларига кўра, янги ташкил этиладиган Бирдамлик Либерал Иқтисод Партияси (БЛИП)га ҳам киришлари мумкин. Чунки, келажакда асосий муҳолиф партиядан бири бўлиб қоладиган БЛИП асосан “Бирдамлик” ҳаракатидан ўсиб чиқади. БЛИП келажакда Ўзбекистон Парламенти сайловларида тўлиқ қатнаша оладиган, ҳамда ушбу дастурлар, ғоялар, шахслар мусобақасида ғолиб бўлаоладиган сиёсий партиясини бўлишига ишонамиз. Шу партиясини орқали илм ва салоҳиятли ёшлар, албатта президентлик ва парламент сайловларида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Фақат БЛИП гина мамлакатимизни кучли демократик, ривожланган, иқтисодий барқарор давлатлар сафига олиб чиқаолади.

Келажакда БЛИП ташаббуси билан мамлакатимиздаги барча ерлар хусусийлаштирилиб, деҳқон ва фермерларга эркин фаолият кўрсатишлари учун катта имкониятлар яратилади. Пахта ва ғалла ўсимликларига нисбатан қўйилган давлат буюртмаси ва назорати олиб ташланади. Туркистон худудидаги Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон давлатлари билан чегаралар очилиб, фуқароларнинг эркин

сафар қилишлари, савдо-сотик, илм, техника, маориф ва маданият борасидаги азалий алоқалари тикланади.

Ўзбекистон Конституциясида: “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилади ва мерос ҳуқуқи қонун билан қўлланланади” (36-модда), каби назарий жиҳатдан тўғри, аммо амалга оширилмаган ишлар бор. Бугунги ҳукумат бажармаган ишларни, иншааллох, келгусида тузиладиган, демократик бошқарувга асосланган ҳукумат бажаради.

Келажакда қиладиган барча эзгу ишларимиз халқимиз ҳаётининг фаровонлиги, бутун халқнинг биринчи навбатда бўлажак партиясини аъзоларининг иқтисодий жиҳатдан тўқин яшашига қаратилади. БЛИПга аъзо ёшларнинг иқтисодий томондан оёққа туриб олиши учун сармоялар ажратилади.

Ёшларнинг иқтисодий билимлари ва ташаббускорликларини ўстириш мақсадида, бепул ўқув курслари ташкил этилади. Ушбу курсларни яхши битириб чиққан фаоллар, олган иқтисод, тадбиркорлик ва бошқарув ҳақидаги билимлари, партиясининг қўллови остида, уларнинг карьералари учун хизмат қилади. Ёшлар ва катта ёшдаги аъзоларимиз ўзлари учун янги завод-фабрикалар қуришга, ёки ширкат, фирмалар очишга эришадилар! БЛИП ёрдамида “янги ўзбеклар” номини олган ёшлар дунё бўйлаб замонга мос турли-туман махсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш каби иқтисодий ҳамда тижорат ишларини йўлга қўядилар. Шу билан бирга ўзларининг бойишларига, партиясининг кучайишига, ҳамда Ватанимиз –Ўзбекистонни янада раванқ топишига ҳисса қўшадилар. Бундай фаолиятдан ҳеч биримиз зиён кўрмаймиз, аксинча халқимиз, бутун жамоатчилик катта фойда кўради. Демак, келажакда “Бирдамлик” Халқ Демократик Ҳаракати негизида ташкил этиладиган Бирдамлик Либерал Иқтисод Партияси (БЛИП)га аъзо бўлиб киришингиз ва фаолият кўрсатишингиз мумкин. “Бирдамлик” олиб бораётган нозўравон фуқаровий кураш амалиётига қўшилиш, Ватанимиз, Миллатимиз тақдири Сиз ва бизнинг фаоллигимизга боғлиқ!

Сизда ҳаётни яхши томонга ўзгартиришга умид, ички бир эҳтиёж пайдо бўлган бўлса, шу халққа чин дилдан ачинишингизни исботланг, ўз ватанпарварлигингизни амалда кўрсатинг ва “Бирдамлик” сафларига киришгиз! Акс ҳолда яна юз йил йил ўтса ҳам ҳозирги аҳволимиз ўнганмаслиги, халқимиз юрт ичида ҳам, юрт ташқарисиди ҳам қўлда ишлаб, бугун топгани эртасига етмай, ҳаммадан калтак еб, хорлик кўриб юравериши мумкин. Бу ҳақда ўйлаб кўриш, руҳиятимиз, иродамиз, бутун имкониятимизни шу йўналишга қаратиш, ҳаётини ва тарихий муҳим хулосага қелиш пайти келди...

Ҳамкорликка ишонч ва умид ила – БИРДАМЛИК” ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ҲАРАКАТИ БОШҚАРУВИ номидан

Баходир Чориев.

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ

СЎЗ БОШИ

«**Батаҳқиқ, (пайғамбарлар) қиссаларида ақл эгалари учун ибрат бор**» (Юсуф сураси, 111-оят).

Алхамду лиллаҳи роббил аъламин. Ас-солату вас-саламу аъла саййидина Муҳаммад ва аъла алиҳи ва асҳобиҳи ажмаъийн. Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу.

Азиз газетхоналар, биз бугунги сондан бошлаб сизларга «Қисас ал-Анбия» адабий жанрини, яъни пайғамбарлар (алайҳимус-салам) тарихини тақдим этмоқчимиз. Бу жанрда ёзилган китоблар аслида бир нечта. Масалан, Муҳаммад Ибн Исҳоқ баён этган асар асосан уч мавзуга бағишланган: дунёнинг яратилиши ҳамда Муҳаммадан ﷺ аввалги пайғамбарлар тарихи (Kitab al-mubtada'), пайғамбаримизнинг ﷺ ҳаёти ва олган ваҳийлари (Сира), ва у кишининг ҳарбий юришлари (Maghozi). Афсуски, Ибн Исҳоқнинг асари бизгача етиб келмади, лекин баъзи уламолар, масалан Ал-Табарий ўз тафсирида ва олам тарихи ҳақида ёзган китобида Ибн Исҳоқнинг гапларини қайта-қайта тилга олган (қаранг: Tarikh al-rusul wa-l-muluk). Хусусан, сўнгги китобнинг гоёсида ҳам, шаклида ҳам Ибн Исҳоқнинг таъсири жуда кучли.

Қисас ал-Анбия жанрида қалам тебратган ёзувчилардан яна бири аслан келиб чиқиши форсий бўлмиш яманлик Ваҳб ибн Мунаббихдир. У киши пайғамбарлар тарихи ҳақида баён қилувчи юзта бўлимни ўз ичига олган тўплам соҳиби. Араб тилидан ташқари, иброний ҳамда арабий тилларини ҳам яхши билган ва Таврот ҳамда Забур китобларини асл матнда ўқий олган.

Қисас ал-Анбиянинг яна бир тўплами хуросонлик Исҳоқ ибн Бишрага тегишли. У киши бошқа мавзуларда ҳам асарлар яратган, пайғамбарлар тарихига атаб эса «Mubtada' al-dunya wa qisas al-anbiya», деган китоб ёзади (яъни, «Дунёнинг бошланиши ва пайғамбарлар тарихи»). Яқин-яқингача бу китоб йўқолган саналар, бахтга кўра бир неча йил олдин китобнинг биринчи қисми топилиб, дунё кутубхонаси яна битта кўлэзмага бойиди. Бу кўлэзмада дунёнинг яратилиши, Иброҳим ﷺ ва у кишидан аввал умр сурган пайғамбарлар тарихи баён этилган.

Пайғамбарлар тарихининг кейинги тўплами Абу Исҳоқ ал-Салабийники. Абу Исҳоқ пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ дан 400 йил кейин яшаган таҳлилчи олим эди. Унинг илоҳий битикларга ёзган тафсири катта илмий аҳамиятга эга бўлса-да, халқ орасида унчалик шуҳрат қозонмади. Навбатдаги ёзувчи Ал-Ҳайсам ибн Муҳаммад ал-Бушанжий. Унинг араб тилида битилган «Qisas al-Qur'an» тўплами ҳам алоҳида диққатга сазовор. Китоб Қуръонда айтилган пайғамбарлар тарихини, пайғамбарлар ҳақида айтилган ривоятларни, ҳамда набий Муҳаммад ﷺ нинг ҳаётини баён қилади. Байтул-муқаддаслик Аҳмад ибн Абу Узайба ҳам «Қисас ал-анбия» тўплаган, лекин бизгача унинг фақат битта кўлэзмаси етиб келган, холос.

Араб бўлмаган муаллифлар ичида эса Насриддин Рабғузийнинг туркий тилда ёзган китоби энг муҳим ўрин эгалласа керак. Унинг пайғамбарлар ҳақида ёзган қиссалари катта ҳажмда бўлиб, кўп тафсилотларни ўз ичига олган ривоят ва афсоналардан иборат. Кейинроқ Ибн Таймийя ҳамда унинг шогирди Ибн Касир, ўша замонда мавжуд бўлган Қисас ал-Анбия китобларини текширувдан ўтказдилар. Баъзи ҳикояларни, айниқса яҳудий ҳамда насроний матнларида мавжуд бўлган қиссаларни рад этадилар. (Айтиш лозимки, мана шу охириги юз йил мобайнида Ибн Касирнинг тўплами оммага кенг таъсир ўтказди.)

Шу пайтгача араб тилида, форс тилида ҳамда туркий тилларда пайғамбарлар тарихи кўп марта нашр бўлган. Лекин афсуски, ўзбек тилида бу адабий жанр жуда кам босилди. Шу сабабдан биз ҳам, айтишга арзуғилик бўлмаса-да, бу борада бироз тер тўкиб, ўтган пайғамбарлар тарихи ҳақида озгина бўлса ҳам маълумот етказишга ҳаракат қилдик. Ушбу китоб араб тилида ижод қилган Муҳаммад Абдур-Раҳмон ал-Ҳажнинг қаламига мансуб бўлиб, Бейрутда ал-Фадий нашриётида чоп бўлган. Биз уни баҳоли-қудрат ўзбек тилига таржима қилдик. Иншааллоҳ, пайғамбарлар қиссаси қалбингизга илҳом бериб, яхшиликка, тўғрилиқка ибрат бўлади, такволи ҳаётга сизларни даъват қилади, деб умид қиламан.

Ҳурмат билан камина, Абдулазиз Маҳкам, таржимон.

ОДАМ АЛАЙҲИС-САЛОМ

ҚИССАСИ

¹ Қуръон ояти: «Эсла! Ўшанда Роббинг фаришталарга: «Албатта, Мен лойдан инсон яратгучидирман. Бас, қачонки уни ростлаб, ичига Рухимдан пуфлаганимда, унга сажда қилиб йиқилинглр!» деган эди. Бас, фаришталар барчалари жамланиб, сажда қилдилар» (Сод сураси 38:71-73).

Қуръонда ёзилишича, Аллоҳ таоло Одамни ﷺ тупроқдан-лойдан яратган экан.

بَرَأَدَانًا مِّنْ طِينٍ مِّنْ أَرْضٍ رَّاهٍ وَمِنْ مَّاءٍ مِّنْ يَّسِينِ وَأَخْرَجُوهُ إِلَىٰ بَدْنٍ وَأَنْشَأُوا لَدَيْهِ رِجَالًا كَانِيَةً
وَنَفَخْنَا فِيهِ مِن رُّوحِي فَسَجَّدَ لَهُ سَائِرُ الْمَلَائِكَةِ
كُلُّهُمْ أَسْتَجِيرُوا لَهَا إِنَّمَا اسْتَكْبَرُوا وَكَانَ مِنَ الْمُكَذِّبِينَ

ОДАМ ﷺ НИНГ ЯРАТИЛИШИ

Аллоҳ тупроқдан одам ясаб, димоғига Ўз руҳидан¹ ҳаёт нафасини уфуради ва одам нафас ола бошлайди. *Ўшанда ер юзида у кишидан бошқа инсон йўқ эди.* Кейин Аллоҳ Адан деган жойда бир боғ яратиб, чиройли ва меваси ширин дарахтлар билан тўлдиради. Боғнинг ўртасида икки дарахт ўсган экан: бири ҳаёт дарахти, иккинчиси эса яхши ва ёмонни билиш дарахти. Аллоҳ таоло Одам ﷺ ни, боғни парвариш қилсин, деб ана шу ерга жойлаштиради. Кейин огоҳлантиради: «Боғдаги ҳамма дарахтлар мевасидан еявер. Фақат яхши ва ёмонни билиш дарахтидан ема. Еган куни-ёқ ўласан!» деб айтади.²

² То-Ҳо сурасида Аллоҳ ﷻ Одам ﷺ га шайтон ҳақида огоҳлантириш бергани ёзилган: «Эй Одам, албатта, у сенга ва жуфтингга душмандир. Яна у икковингизни жаннатдан чиқариб, бадбахт бўлиб қолмагин» (20:117).

БИРИНЧИ ПАЙҒАМБАР

Улуг саҳобалардан Абу Зар ﷺ: «Пайғамбарларнинг энг аввали ким?» деб сўраганларида Расулulloҳ ﷺ: «Биринчи мурсал пайғамбар – Одам ﷺ, Аллоҳ уни қўли билан ясади, унга руҳ киритди ва гўзал инсон қилиб яратди», деб айтадилар. Абу Зардан ﷺ қилинган бошқа бир ривоятда шундай дейилади: «Мен расулulloҳ ﷺ дан: «Эй Аллоҳнинг расули, Одам пайғамбарлардан эдими?» деб сўрадим. Расулulloҳ ﷺ: «Албатта, Одам – биринчи бўлиб Аллоҳ билан бевосита гаплашган пайғамбар», деб жавоб бердилар».³

ҲАЙВОНЛАРГА ОТ БЕРИШ

Ҳазрати Одам жаннати боғни кезар эканлар, жуфт-жуфт бўлиб юрган ҳайвонларни, гала-гала учиб юрган чиройли қушларни томоша қилардилар. Ҳамма нарса жуда гўзал, жуда ажойиб эди. Худо Ўзи яратган жониворларни Одам ﷺ нинг олдига келтиради ва у киши ҳаммасига, ҳайвонлару қушларга от⁴ кўядилар. *Унга етишмай турган биттаю битта нарса – ўзига муносиб шерикнинг топилмагани эди.*⁵

МОМО ҲАВВОНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло, Одамнинг ёлғиз бўлиши яхши эмас, Мен унга муносиб жуфт⁶ яратаман, деб айтган эди.

³ Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий, «Тарихул умам вал мулк».

⁴ Бақара сурасида: «Ва (Аллоҳ) Одамга исмларнинг барчасини ўргатди», деб ёзилган (2:31).

⁵ Шу ўринда кимдир: «Ҳайвонлар нима учун Одам ﷺ га муносиб шерик бўлолмас эди?» деб сўраши мумкин. Ҳайвонларга ҳам муайян миқдорда ақл берилган, лекин инсонда бор бўлган тафаккур ҳайвонларда йўқ.

(давоми кейинги бетда)

⁶ Шариатда муносиб турмуш ўрток танлаш кераклиги алоҳида уқтирилган.

Одам ﷺ ҳайвонларга от қўйганларидан кейин, Худо у кишининг бикинидан Момо Ҳаввони яратади. Ҳазрати Одам Момо Ҳаввони би ринчи бор кўрганларида хурсанд бўлиб: «Бор экан-ку!» деб хитоб қилиб юборган эканлар.

Шундай қилиб, Момо Ҳаввонинг эт-суяги аслида Одам Атодан олинган. Қуръонда айтилганидек: «Эй одамлар! Роббингиз сизларни бир жондан яратган ва ундан унинг жуфтини яратган...»⁷ Шу сабабдан инсон никоҳ қураётган ота-онасини қўйиб, хотинига пайванд бўлади ва иккови бир танага айланадилар.

⁷ Нисо сураси 4:1.

ҚАЙҒУ ЙЎҚ ДУНЁ

Аллоҳ нимаики яратган бўлса, ҳаммаси яхши эди. У «**ҳар бир нарсани гўзал қилиб яратган**» зот.⁸ Унинг «Бўлсин!» деган буйруғи билан ер юзида ўсимликлар, жаннати мева берадиган дарахтлар ўсиб чиқди. «Бўлсин!» деган буйруғи билан сувларда балиқлар, ҳар хил денгиз жониворлари пайдо бўлди. «Бўлсин!» деган буйруғи билан ҳар хил ҳайвонлар, ранго-ранг қушлар вужудга келди. *Ҳар бир нарсада Аллоҳнинг баракаси кўриниб турган эди.*

⁸ Қуръон карим 32:7.

⁹ Бақара сурасининг 117-оятида «қун-фа-яқун» деган ибора бор. Ўзбек тилига таржима қилсак: «Бўл деса, бўлади», деган маънони беради. Аллоҳ дунёдаги махлуқотни «Бўл!» деган Сўзи билан яратган.

¹⁰ Инсон нима учун яратилган? Бу савол қадим замонлардан бери олимлар орасида муҳокамага сабаб бўлиб келади. Қуръонни қаримда Аз-Зориёт сурасида, Мен инсонни Менга ибодат қилиши учун яратдим, деган сўзлар бор (51:56). Ибодат сўзининг маъноси сиғиниш ва хизмат қилиш демакдир. Бу ҳам инсоннинг яратилган жонзодлар ичида энг улуғи эканига бир далилдир. Аллоҳ субҳанаху ва таоло Одам Ато ва Момо Ҳаввони: «Мен билан муножатда бўлсин», деган мақсадда яратган эди.

*Ерда ҳали касаллик, ўлим, ташвиш ёки қайғу деган нарсалар йўқ эди. Бог йил-ўн икки ой мева берадиган дарахтлар билан тўла, Одам ﷺ ҳам, Момо Ҳавво ҳам Аллоҳнинг ҳузурини шоду хуррам ҳаёт кечирар эдилар. Ёмонлик нима эканини улар ҳали билмас эдилар.*¹⁰

ҲАЗРАТИ ОДАМ – АЛЛОҲНИНГ ЕР ЮЗИДАГИ ХАЛИФАСИ

بَارِقَاتٍ جِبْتًا بِأَيِّ آدَمَ بْنِ قَلْبٍ

«**Батаҳқиқ, Биз Одам билан аҳдлашган эдик...**»¹¹

Аллоҳ ﷻ биринчи ота-онамизни яратганда уларни баракалаб, бундоқ деб амр қилган экан: «Самарали бўлинглар. Кўпайиб ер юзини тўлдиринглар. Мана шу ерни Мен сизларга бердим. Балиқлар, қушлар, ерда яшаётган ҳамма жониворлар устидан ҳукмронлик қилинглар. Мана, Мен сизларга озуқа қилиб ҳамма донли ўсимликларни, мевасида данаги бор ҳар хил дарахтларни бердим».

¹¹ Тоҳо сураси 20:115.

*Демак ўша пайтда ҳазрати Одамга халифалик унвони, яъни бутун ер юзи устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқи берилган. Қуръонда ёзилишича, Аллоҳ Одам ﷺ ни яратишдан олдин фаришталарга: «Мен ер юзида халифа қилмоқчиман», деб хабар берган экан.*¹²

¹² Бақара сураси, 30-оят.

ИБЛИС ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Шундан кейин Аллоҳ таоло фаришталарга Одам ﷺ га сажда қилинглар, деб амр қилади. Қуръонни қаримда бундай деб ёзилган: «Батаҳқиқ, Биз сизларни яратдик, кейин сизларга суврат бердик. Сўнгра фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар», дедик. Улар сажда қилдилар. Магар Иблис сажда қилувчилардан бўлмади». Аллоҳ кейин Иблисдан: «Нега сажда қилмадинг?» деб сўраганида Иблис: «Мен (Одамдан) яхшироқман, чунки Сен мени ўтдан яратдинг, уни эса лойдан», деб жавоб беради.

(Давоми кейинги сонда)

Россиядан тобутда қайтаётган ўзбекистонликлар сони ортмоқда

Биргина Андижон вилоятига ой бошидан буён камида 10 муҳожирининг жасади келтирилди. Санкт Петербургдаги «Ёшлар» ҳаракати фаоллари 4 йил ичида турли сабаблар билан Россиядан юртига ўлиги юборилган ўзбекистонликлар сони 48 минг 674 кишига етган.

Андижон шаҳри аэропорти юкларни қабул қилиб олиш бўлими ходимларидан бирининг Озодликка айтишича, энг сўнгги икки жасад 23 июль куни Москвадан Ўзбекистонга юборилган.

Уларни иккалови ҳам андижонлик экан. Бириси 47 ёшли эркак Пахтаободдан, яна бири 35 ёшли йигит Андижон туманидан. Биттаси газдан заҳарланиб ўлган, иккинчиси юрак хуружидан. Андижонга келган жасадларни охирилари бу. Шу ойни ўзида ўндан кўпроқ жасад келди. Ҳаммаси Россиядан, – деди Андижон аэропортининг ходими.

Наманган вилоятида ҳам Озодлик манбааларига кўра, сўнгги тўрт ой ичида Россиядан ўнлаб мардикорнинг жасади олиб келинган.

Наманган Ички ишлар бошқармасидагилар Россиядан ўзбекистонликларнинг жасадлари мунтазам келишини тасдиқлашди, лекин бу борада конкрет рақамни келтиролмадиларини айтишди.

Наманганлик журналист Носир Зокир Россиядан жасадлар келиши сўнгги йилларда одатий ҳолга айланганини айтади.

– Мана биттаси Поп туманидан, яна биттаси Поп туманининг сал чеккароғидан. Кейин Янгиқўрғон, Наманган шаҳрини ўзидан новвой болаларни ўлиги келди. Ўзимиз бориб фотиҳасини қилиб келдик. Беш-олти ой олдин Россиядан ота-болаларнинг ўлиги келди. Улар ишга кетишганида боласини ўрис миллатчилари урганда. Боласининг тарафини оламан деб, отаси қўшилганида, уни ҳам ўлдириб қўйишган экан. Менинг қариндошимни ўлиги ҳам келди, уч-тўрт ой олдин. Уни Россияда миллатчилар ўлдириб, балчикқа тикиб ташлашган. Расмларини ҳам кўрдим, – дейди Носир Зокир.

Россияда меҳнат қилаётган ўзбекистонлик муҳожирилари сони 4,5 миллион кишига етгани айтилади. Санкт Петербургдаги «Ёшлар» ҳаракати деб аталувчи ташкилот раҳбари Махсуд Абдужабборов ҳам ватанига тобутда юборилаётган ўзбекистонликлар сони ошмоқда, деб ҳисоблайди.

Абдужабборовга кўра, Россиядан Ўзбекистонга жўнатилган «Юк-200», яъни турли нохуш ҳодиса ва касалликлардан нобуд бўлиб, юртига юборилган ўзбекистонликлар жасади сони 164 кишидан (2008-2010 йилларда) 48 минг 674 кишига (2012-2014 йилларда) етган.

– Сўнгги тўрт йил ичида 49 мингга яқин ўзбекистонлик Россия ҳудудида оламдан ўтди. Шулардан 47 фоизи қотиллик қурбони бўлди. 20-30 фоизи қурилишлардан бахтсиз ҳодисалардан ўлди. 4-5 фоизи заҳарланиш, қолгани ўз жонига қасд қилганлар. Булар асосан аёллардир, – дейди Абдужабборов.

Ҳозирча Озодлик «Ёшлар» ҳаракати фаоллари тилга олган рақамларни Россия Миграция хизмати ёки бошқа расмий ташкилотдан тасдиқлаштишга муваффақ бўлмади. «Ёшлар» ҳаракати келтирган бу рақамни Россия Ички ишлар вазирлиги орқали ҳам тасдиқлаштиш имкони бўлмади.

Ҳуқуқ фаолларига кўра, Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси на жасадларни ватанига жўнатишга ёрдам беради ва на ҳуқуқий кўмак беради.

«Ёшлар» ҳаркати раҳбари Махсуд Абдужабборовнинг айтишича, агар жасадлар вақтида темир тобутда олиб кетилмаса, уларни ўша ернинг ўзида дафн этишади.

– Санкт-Петербургда Ўзбекистон бир жасадни юбориш 48 минг рубль (бу қарийб бир ярим минг доллар) га тушади. Ўликхона харажатлари бунга қўшилмайди. Агар жасад ўликхонада бир ҳафтадан кўпроқ туриб қолса, харажатлар яна ошади. Владивостокдан жасад юбориш 90 минг рублгача боради, – дейди Абдужабборов.

«Ёшлар» ҳаракати Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасини ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишга чақиради.

Ўз навбатида Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонаси расмийларидан бири «агар ўзбек фуқаролари Россия ҳудудида бирор жиноят қурбонига айланса ёки бахтсиз ҳодиса қурбони бўлса, консулик ходимлари вазиятни ўрганиб, тегишли тартибда ёрдам беради» деб айтди.

ЎН ЁШИНИГ МУБОРАК, КОЛЛЕЖИМ!



Аксукентдаги Гуманитар педагогика коллежи Қозоғистон президенти ва давлатимизнинг қарор ва кўрсатмаларини амалга ошира бориб, замон билан бирга шахдам қадам ташлаб бораётган билим масканларидан биридир.

Элбошимиз Нурсултан Назарбаев ўзининг «Қозоғистон йули – 2050, ягона мақсад, ягона кизиқишлар, ягона келажак» номли мурожаатномасида халқнинг ижтимоий ҳаёт тарзини яхшилаш, кўп миллатли халқимизнинг иқтисодий аҳволини янада раванк топтириш борасида кўпгина оқилона фикрларни илгари сурган. Мурожаатда дастлабки 10 йилликдаги «мангилик ел», яъни «абдий юрт» миллий ғояси олға сурилди. Бунда 22 йил мабойнида: ривожланиш борасида яратилган кадрлар, барча қозоғистонликларни бирлаштирадиган нарсалар: барқарорлик, диний ва миллий тенглик таомиллари илгари сурилган.

Элбошимиз ёшларга ҳунар ўргатишда дуалди ўқитишни, яъни билимни узликсиз тажриба билан мустахкамлашнинг ахамиятини алоҳида қайд этган. Мана шу масалаларни амалга ошириш мақсадида

коллеж жамоаси директоримиз Гулчехра Камоловна раҳбарлигида «Болашақ» болалар боғчаси, тикув цехи ҳамда автомобилларни тамирлаш цехларини барпо этишди. Эндиликда талабаларимиз ўқиш билан бир вақтда малакали устозларнинг иш тажрибаларини ҳам ўрганишмоқда, уларга яқин ёрдамчи бўлишмоқда. Зеро коллежда бунинг учун замон талабига мос шароитлар мавжуд.

Юртбошимиз илгари суратёган масалалардан бири имконияти чекланган болаларга таълим ва тарбия беришдир. Бу муаммо Қозоғистон президенти Н.Ә. Назарбаевнинг «Билим беришни ривожлантириш мақсадида 2011-2020 йилларда амалга ошириладиган дастур»ида алоҳида айтиб ўтилган.

Бизнинг коллежимизда бу масала ўз ечимини топган десак бўлади. Имконияти чекланган ўқувчиларнинг билим олиб, касб-ҳунар эгаллаши учун барча имкониятлар яратилган.

Бугунги кунда коллежимиз ўзининг ўн йиллик тўйини тўйлаш арафасида. 10 йил мабойнида коллеж жамоаси улкан ютуқларга эришди. Ушбу билим даргоҳига раҳбарлик қилаётган директоримиз Исмаилова Гулчехра

Камаловна ўз жамоаси жонкуяри, уста ташкилотчи, моҳир педагогдир. Раҳбаримиз, талабаларгагина эмас, устозларга ҳам замон талабига мос билим бериш, илғор педагогик технологияларни ўзлаштириш бўйича барча шарт-шароитларни яратиб берган. Ҳар ўқув йили ўқитувчилар ўз билимларини мустахкамлаб, малака ошириб, тажрибаларини ўртоқлашиб кенг тарғибот этишмоқда. Устозларнинг янги услубда ўқитиш услублари ҳақидаги методик қўлланмалар чоп этилмоқда, туман, вилоят, республика оммавий ахборот воситаларида илмий мақолалар дунё юзини кўрмоқда.

Мерибон раҳбар - ҳар бир педагогнинг илмий-ижодий қобилиятини яхши билароқ коллежда яхши шароит яратишга қаттиқ интилади. Ҳам дарс бериш, ҳам ижодий ишини яхши йўлга қўйишларида ҳатто оилавий шароитини ҳам ҳисобга олишга ҳаракат қилади. Оила тинч, осайишта бўлса иш ҳам натижали бўлади. Шу сабабли ҳар бир ўқитувчига алоҳида эътибор бериб, ўз вақтида муаммоларни ҳал этишга астойдил ҳаракат қилади. Коллежда район миқёсидаги: «Оила-Ватан асоси», «Оила тинч, Ватан тинч», «Тарбия – оиладан бошланади» каби мавзуларда семинар-тренинглари, учрашувлар тез-тез уюштирилиб турилади.

Устозлар орасида (ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда гуруҳларга бўлиниб), маҳаллий олимларни чақириб, шунингдек, Ўзбекистондан тажрибали психолог мутахасисларни таклиф қилиб, «Оила психологияси» бўйича тренинглари ўтказилди.

«Яхши дам - меҳнатга ҳамдам» - деганларидек, жамоа аъзолари байрам кунларини тантанали нишонлаб қолмай, табиат қўйнига ҳам йилига икки-уч бора хордиқ олиш учун чиқиб келишади. Коллеж директори ташаббуси билан жамоа аъзолари тарихий ўлкаларга, пойтахтимиз Астана шаҳрига, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро ҳатто Туркия зиёратига бориб туришади.

Ҳозирда коллежда 2000 яқин ёш авлод таълим олмақда. Студент ёшларга замонвий технологияларни қўллаб билим берилаётгани учун ҳам таълим ва тарбияда илгари кетилмоқда. Коллеж ўқув кабинетлари замон талабига мос жиҳозланган. Талабалар дарслардан бўш вақтларида турли тўғарақларга, спорт секцияларига қатнашиб улкан натижаларга эришишмоқда.

Коллеж жамоаси кўп миллатли ёшларга замон талабига мос билим берибгина қолмай, ҳар тамонлама етуқ

инсон бўлиб етишишига, ўз Ватани, халқи ва қардош халқларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш руҳида тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бунга ёрқин мисоллардан бири бу даргоҳда Халқ дўстлик кичик ассамблеясининг ёрқин фаолиятидир. Ассамблея ўз фаолиятини йил мабойнида режа асосида ўтказиб қозоқ, славян, ўзбек, турк, қурд халқларининг урф-одатлари, анъаналарини намойиш этиб, студент ёшларни ўз халқи, қардош элларга бўлган меҳр-муҳаббатини янада оширмоқда.

Ҳар ўқув йили дастурга айланган бу анъана ёшларни бир-бирини тушунишга, ҳурматлашга, ўзга халқларнинг урф-одатларини, кадрларини яхшироқ англашга ундамоқда ҳамда дўстлик ришталарини мустахкамламоқда.

Юқорида ҳам айтганимиздек, Ҳозирги кунда коллеж жамоаси узининг 10 йиллик юбилей тўйига



қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Азиз муштарийлар! Фурсатдан фойдаланиб сиз азизларни 10 октябрь куни туман оромгоҳида нишонладиган байрам дастуримизга таклиф этамиз.

Маглуба ИСҲАҚОВА
коллежнинг қатта ўқитувчиси.

"Туркистон тонги" таҳририяти ва жамоат кенгаши аъзолари Муштарийимиз, адабиётимиз жонкуяри Бегмат Турдикуловга ўғли **ГУЛОМЖОННИНГ** бевақт вафоти муносабати ила чуқур таъзия изҳор қилади.



ТУРКИСТОН ТОНГИ

Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

Бош муҳаррир
Раҳимтой Бегалиев
Муҳаррир
Ўринбосари
Ботир Норбоев

Газетага Қозоғистон азамати С. Байдуллаев ва ўзбек фарзанди Б. Норбоев асос солган.
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Бахтиёр Исабеков, Малик Мансур, Ўринбой Усмон, Фарҳодхон Мухтаров

Таҳририят манзили: Жанубий Қозоғистон вилояти, Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғи, Ахмаров кўчаси - 133, тел: 8 707 958 57 57.

Мулк эгаси: Яқка тадбиркор Бегалиева Гулнар Қозоғистон Республикасининг Алоқа ва ахборот вазирлиги, Ахборот ва архив қўмитаси, даврий босма нашрларни ва Ахборот агентликларини рўйхатга олиш тўғрисидаги 12310 - Г сонли, 2 февраль 2012 йилда берилган гувоҳномага асосан босилмоқда.

Адади: 1000 дона. «М-press» босмаҳонаси. Октябрь 2014 йил. (Шымкент ш. Байтурсунов-18)да чоп этилди. Буюртма №. Таралиш ҳудуди: Қозоғистон Республикаси. Газета бир ойда бир марта нашр этилади.

ОБУНА ИНДЕКСИ: 64502

1. Муаллифларнинг фикри газета таҳририяти аъзолари фикри билан айнан мос бўлмаслиги мумкин.
2. Барча муаллифлик ҳуқуқлари Қозоғистон Республикаси қонунлари билан ҳимояланган.
3. Газетанинг асосий мақсади миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштиришдир. «Туркистон тонги»да миллатлараро дўстликка раҳна соладиган мақолаларга ўрин берилмайди.
4. Ўқувчиларимизнинг саҳифалардан ножоиз жойларда фойдаланмаслигига умид қиламиз.
5. Газетадан олинган мақолалар ёки иқтибослар «Туркистон тонги»дан олинганлиги кўрсатилиши лозим.